

THE GRAMMAR AND LINGUISTIC SCENE OF THE WORLD

Toshmatova Nigorahon Kasimovna,

Fayazov Saydullo Fozilovich,

Baxodirova Mashxura Baxodirovna,

Teachers of FarPI academic lyceum.

Kurbanova Nilufar Abdumutalib qizi,

She is a teacher of fine arts and drawing at the 3rd secondary school in Fergana

Annotation: The article puts forward views on the understanding of the universe and the linguistic landscape of the universe that results from it, and the scientific landscape of the universe. Opinions are given on the factors and conditions that shape the linguistic landscape of the world. Concepts and views on the concept have been analyzed by various researchers. The linguistic and scientific landscape of the universe are compared.

Key words and phrases: Language, speech, world, man, linguistics, linguistic landscape of the universe, scientific landscape of the universe.

Инсоният яралган даврдан бошлаб теваарак атроф ва ундаги воқеаларни ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнини амалга оширмакда. Ушбу билимларни эгаллашнинг файласуфлар томонидан таклиф қилинган бир неча усуллари мавжуд. Ушбу усулларнинг қай бири билим тўплаш асоси сифатида қабул қилинишидан қатъий назар, билиш жараёни оламнинг лингвистик манзараси билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ушбу ҳодиса инсон онгида атроф ҳақидаги билимларнинг ономастик ифодаси сифатида ҳосил бўлади, яъни инсон билимлари маълум сўзлар воситасида намоён қилади. Оламнинг лингвистик манзараси – инсон онгида содир бўладиган мураккаб психик, физиологик, ментал жараёнларнинг маҳсули [1.101,108]. Бугунги кунга қадар ушбу мавзу кўплаб тадқиқотчилар томонидан тадқиқ қилинган. Оламнинг лингвистик манзараси атамаси ва у хусусдаги илк қарашлар В. фон Гумбольдт изланишларида акс этган. Олимнинг қарашлари унинг издошлари томонидан ривожлантирилган.

Оламнинг лингвистик манзараси назариясининг бойитилиши ва қўлланиш доирасининг кенгайиши Б.Л.Уорф – Сепир изланишлари билан боғлиқ. Тушунча Л.Вайсгербер томонидан илмий лингвистик атама сифатида қўлланилади. Л.Вайсгербер янги лингвистик ҳодисани тушунтириб беради экан, у ушбу лингвистик манзарани қуйидагича тушунтиради: “Оламнинг лингвистик манзараси – бу, барча лингвистик имкониятларнинг мажмуаси, У: маълум бир ўзига хос маданият руҳи, тил эгаларидан иборат жамиятнинг менталитети, тил имкониятлари ва вазифаларини кўрсатиб беради; оламнинг лингвистик манзараси этнос ва тилнинг тарихий тараққиёт жараёнини кўрсатиб беради ва, айни вақтда, тилнинг келажакдаги ҳолати ҳақида илмий башорат беради; оламнинг лингвистик манзараси тилдаги энг содда жараёнлардан бошлаб тилнинг ўзига хос характерида намоён бўлувчи мураккаб жиҳатларини қамраб олади, ҳеч бир лингвистик жараён ундан четда қолмайди; оламнинг лингвистик манзараси тарихий тараққиёт давомида ўзгаришларга учрайди; оламнинг лингвистик манзараси лингвистик ҳодиса бўлиш билан бир қаторда айни вақтда маданий ҳодиса ҳам ҳисобланади; оламнинг лингвистик манзараси бир авлод вакили томонидан яратилади, иккинчи авлод вакили томонидан бойитилади, авлоддан авлодга мерос сифатида ўтади; оламнинг лингвистик манзараси умуммаданий ҳодиса, яъни барча халқлар тараққиётнинг турли босқичларида бу жараённи турлича босиб ўтадилар” [3]. Демак, Л.Вайсгербер таълимотидан келиб чиқадиган бўлсак, оламнинг лингвистик манзараси тил ва унинг тарихий тараққиёт даври, маданиятнинг тилга кўрсатган таъсири ва умуман тил тушунчаси остида бирлашадиган ҳар қандай ҳодиса ва жараённи қамраб олади. У халқ тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу ҳодиса хусусида Е.В.Дзюбаннинг қарашлари Л.Вайсгербер қарашларидан кескин фарқ қилади. Унинг фикрига кўра, атроф ҳақидаги билим атрофдаги предметларни ўзаро қиёслаш натижасида пайдо бўлади. Предмет

моҳияти унинг белгиларини бошқа бир предмет билан қиёсланганда юзага келади. Демак, Е.В.Дзюба фикрига кўра, оламнинг лингвистик манзараси ўзаро қиёсланган белгилар натижаси сифатида юзага келади. Б.Л.Уорф қарашларида эса оламнинг ҳам лингвистик, ҳам илмий манзаралари мавжудлиги айтилади. Бу икки манзара киши онгида олам ҳақидаги тасаввурни ҳосил қилади. Бироқ, бу икки манзаранинг ҳосил бўлиши турлича.

Оламнинг илмий манзараси илмий изланишлар ва тадқиқотларнинг натижаси бўлади, унинг лингвистик манзараси эса кундалик билим ва кўникмаларнинг маҳсулидир. А.А.Потебня қарашларини шартли равишда Б.Л.Уорф қарашларининг давоми дейишимиз мумкин. У сўзнинг илмий ва лингвистик жиҳатларини таҳлил қилади. А.А.Потебня сўзнинг илмий ва лингвистик тушунчаларини қуйидагича фарқлайди: сўз тушунчасидан икки хил маъно англашилади, улардан бири тилшуносликда қўлланиладиган сўз, илмий атама, иккинчиси эса бир тушунчани бошқасидан ажратадиган сўз. Илмий ва кундалик билимлар асосида ҳосил бўлган сўзнинг фарқини кўрсатишда Л.В.Шчерба илмий атама ва кундалик ҳаётда ушбу атаманинг асоси сифатида мавжуд бўлган сўзни таҳлил қилиш йўлидан боради. У бу жараёнда энг содда мисолни қўлланиш орқали ўз фикрини тушунтиради. Мисол тариқасида келтирилган “чизик” сўзи геометрия фанида тилдаги чизик маъносини сақлаган ҳолда геометрик ҳодисани билдиради. Айни сўз адабиётшунослик илми учун атама вазифасини бажарганда, воқеалар ривожини акс эттиради. Демак, келтирилган маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, даставвал инсон онгида оламнинг лингвистик манзараси ҳосил бўлади. Ушбу манзара ва унинг аъзолари таҳлил қилинган, инсон онгида оламнинг илмий манзараси ҳосил бўлади. Оламнинг илмий манзарасини тасвирлаш учун келтириладиган сўзлар (илмий атамалар) оламнинг лингвистик манзараси сўз захирасида мавжуд бўлган сўзлардан иборат бўлади, бироқ ушбу сўзларнинг маъносида ўзгариш юзага келади. Шу ўринда яна бир муҳим ҳодисани ҳам эътироф этиш зарур. Халқнинг паремиилиги фонди намуналарида ҳам оламнинг лингвистик манзараси асосида ҳосил қилинган сўзлар акс этади. Ушбу сўзларнинг маъносида эса ўзгариш юзага келади. Масалан, тарвузнинг қўлтиқдан тушиши жараёни реал воқеаликда бир маротаба содир бўлган бўлиши мумкин. Тарвузнинг қўлтиқдан тушганида юзага келадиган жисмоний ҳамда руҳий ҳолат барча ноқулай ҳолатга тушган кишиларнинг қиёфасини гавдалантирувчи, қиёсий заҳира сўз бўлиб қолган. Демак, тарвузнинг қўлдан тушиши ва чизик сўзини бирлаштириб турувчи умумий бир жиҳат пайдо бўлади. Бу жиҳат – оламнинг лингвистик манзарасида мавжуд бўлган сўз мазмунининг ва вазифасининг ўзгариши. Бироқ, атама ва кўчма маъноли сўзни фарқлаб турувчи бир жиҳат мавжуд. Кўчма маъноли сўзларда кишининг образли тафаккур натижаси акс этади. Сўз илмий атама сифатида қўллана бошлаганида, у конкрет маъно билан боғланади. Албатта, атамалар ўртасида ҳам сўзнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра фарқланиши кузатилиши мумкин, бироқ унинг фан доирасида маъно доираси чегараланади. Оламни образли тафаккур қилиш масаласи бу оламни билишнинг ўзига хос мураккаб жиҳатидир. Образли тафаккур жараёни халқ оғзаки ижоди ва бадиий ижод ва санъатнинг негизида туради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, оламнинг лингвистик манзараси инсоннинг изланишлари ва тажрибаси натижасидир. Образли тафаккурда ҳам кишининг билимлари ва тажрибаси акс этади. Бироқ образли тафаккурнинг ифода услуби илмий билиш услубидан фарқ қилади. Образли тафаккурнинг ифода қуроли – бу, образ. Ушбу образда инсон оламни қандай қабул этганлиги акс этади. Образнинг ўзига хос мураккаб жиҳати, у билим ва тажриба натижаси бўлишидан ташқари мураккаб психологик жараённинг маҳсулидир. Образли тафаккур ҳам бир неча воситалар асосида иш кўради, бу гештальт, рамз, тимсол бўлиши мумкин. Бу, алоҳида тадқиқот тизимини ҳосил қилади. Ишимиздан хулоса сифатида шунини айтишимиз мумкинки, инсонда атроф - муҳит ҳақидаги илк таассуротлар, билимлар унинг онгида лингвистик манзара ҳосил қилади. Ушбу сўз захираси инсон томонидан амалга ошириладиган кейинги босқичдаги мураккаб жараён оламни илмий билиш ва оламнинг илмий манзараси шаклланишига пойдевор бўлади. Инсон оламни билиш билан бир қаторда уни ҳиссий идрок қилади, инсоннинг оламга нисбатан ҳиссий муносабати бўлади. Ушбу муносабат ижодга туртки беради.

Умуман , инсон ва унинг онгида лингвистик манзаранинг ҳосил бўлиши ўзига хос мураккаб, психик жараён. Лекин ушбу жараён инсон тафаккури билан боғлиқ барча жараёнларни бирлаштириб туради.

Оламнинг лингвистик манзараси нафақат бир шахснинг умумлингвистик жиҳатларини, балки бир бутун кишилик жамияти, маданиятлар бирлашиб туришини таъминлайди [2.311]. Оламнинг лингвистик манзараси бугунги лингвокультурологиянинг асосий тадқиқ мавзуларидан бирига айланган. Бунга асосий сабаб миллий маданиятларнинг миллий лингвистик манзара асосида ҳосил бўлишидир. Ушбу ўринда миллий оламнинг лингвистик манзараси тушунчасини шартли равишда тушуниш лозим. Тиллар ўртасидаги фарқ, турли фонетик – лексик – грамматик белгиларнинг намоён бўлиши турли халқларда лингвистик манзара турлича шаклланганлигига ва тараққиётнинг турли босқичида эканлиги далолат беради.

Тил – миллатнинг миллий менталитети, миллий характери, миллий дунёқараши ва шу миллат учун алоқадор бўлган барча жиҳатларни кўрсатиш ва бирлаштириш учун хизмат қилар экан, оламнинг лингвистик манзараси ҳеч бир давр тилшунослиги учун ўз аҳамиятини йўқотмайди. Унинг олдиндан тайёрланган, барча халқлар учун тааллуқли андазалари мавжуд эмас. Бу жараённи ҳар бир халқ ўз ҳолича, турли даврларда босиб ўтади [4]. Айти сабаб маданият ва тараққиётнинг турли босқичларда бўлишини таъминлайди. Ушбу ҳодиса кишилик жамияти, унинг ақлий ва маданий тараққиёти ва инсон моҳиятида турган, унинг кишилик жамиятида ҳаёт кечиришини таъминлайдиган барча жиҳатларни қамраб олади.

Адабиётлар:

1. I.Modibadze. The national language image of the world and the processes of cultural globalization. – Tbilisi., – 2012.
2. Маслова В. Лингвокультурология.Г 3. Язык и культура: Проблемы взаимодействия . – М.,1973.
3. www.ahmerov.com. Национальная картина мира как предмет лингвистического изучения (краткий обзор) <http://sites.google.com/site/istoriya/ponyatiya/lingvisticheskogo/kartina/mira>
4. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. Canadian Social Science, 16(2), 55-59.
5. Ahmadjonovna, E. T., & Bakhromovich, S. I. (2020). Pedagogical Analysis Of Culturo-Educational Institutions' Actions In Youth Education (On The Example Of Museum Activities). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 576-582.
6. Сиддиқов, И. Б. (2018). Социально-философские аспекты формирования интеллектуальной культуры молодежи. Theoretical & Applied Science, (1), 61-66.
7. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. European science review, (7-8).
8. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(12), 364-369.
9. Siddikov, I., & Gulomov, A. (2020). Philosophical and psychological features of the formation of asertive behavior in the development of cognitive activity. In Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества (pp. 38-42).4
10. Сиддиқов, И. Б. (2019). Государственная политика в отношении молодежи в Узбекистане: национальный опыт и реальная необходимость международных инициатив. In Условия социально-экономического развития общества: история и современность (pp. 38-43).
11. Bakhromovich, S. I. (2020). The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. Academia: an international multidisciplinary research journal, 10(12), 1014-1020.

-
12. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. Вестник Ошского государственного университета, (3), 38-42.
 13. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
 14. Bakhromovich, Siddikov Ilyosjon, and Maxamadaliev Lutfillo. "DEVELOPMENT OF ECOLOGICAL CULTURE IN STUDENTS IN THE PROCESS OF EDUCATION OF HISTORY OF UZBEKISTAN." (2021).